

Одамларни ўлимдан кейинги ахволлари китобидан

07:56 / 26.12.2018 3083

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, "Одамларнинг ўлимдан кейин ахволлари" мақоласини ислом.уз сайти орқали ўқидим. Мақолада "Абу Зар разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Уч тоифа инсонлар борки, уларга Қиёмат кунда Аллоҳ таоло гапирмайди, қарамайди ва уларни покламайди. Уларга аламли азоб-қийноқлар бор»-деб, уч марта такрорладилар». Мен: «Улар зарар ва зиён кўрар эканлар! Улар кимлар, ё расулуллоҳ!»- дедим. Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Кийимларини оёқ тўпиқларидан пастга тушириб кийган одам, миннатчи ва матосини бўҳтон қасам билан ўтказган кимса» - дедилар» (Имом Муслим, ҳадис № 106)". Шундан кийимларини оёқ тўпиқларидан пастга тушириб кийган одам жумласига тушинмадим. Шунга аниқлик киритиб берсангизлар. Раҳмат

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг замоналарида кийимни тўпиқдан пастга осилтириб кийиш [мутакаббир](#)ларнинг одати бўлган. Фахрланиб ўшандай кийинишиб юришган. Ҳозирги кунда ҳам мақсад шу бўлса ўша ҳадис остига кириб қолинади. [Валлоҳу аълам!](#)